



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**«АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ УЧУН ФАН, ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИЯ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР»
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

**«НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИИ ДЛЯ АПК:
СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
«SCIENCE, EDUCATION AND INNOVATION FOR AGRO-
INDUSTRIAL COMPLEX: PROBLEMS AND PROSPECTS»**



I - Тўпلام

22-23 ноябрь 2019 йил

ТОШКЕНТ – 2019

УЎК: 636.081/082

ЁШ УЛОҚЛАРНИ СУТ ИЧИРИШ ДАВРИДА ПАРВАРИШЛАШ

И.Я.Эшматов қ.х.ф.н. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,
Н.Э.Саттаров қ.х.ф.н. ТИҚХММИ,
М.И.Эшматова, Ш.И.Эшматова мустақил тадқиқотчи,
А.Н. Боротов мустақил тадқиқотчи, ТИҚХММИ.

Аннотация

Барча қавш қайтарувчи ҳайвонларда шу жумладан эчкиларда ҳам янги тўғилган пайтда сут ичиш даврида ошқозон (катта қорин), тўр қорин, қат қорин овқат ҳазм қилиш жараёнида иштирок этмайди. Истеъмол қилинган огиз сут тўғри ширдонга тушади ва ҳазмланади. Огиз сути таркибида улоқчаларнинг яхши ўсиб ривожланиши ҳамда ташқи муҳит таъсуротларига чидамлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланадиган барча турдаги тўйимли моддалар, витаминлар, ферментлар, гормонлар ва иммун таначалар мавжуд. Мақолада ёш улоқларни парваришлашда нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги тўғрисида фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: соф зот, заанен, катта қорин, қат қорин, тўр қорин, ширдон, огиз сути, микроорганизм, витаминлар, гормонлар, ферментлар, иммун таначалар

ВЫРАЩИВАНИЕ НОВОРОЖДЕННЫХ КОЗЛЯТ В МОЛОЧНЫЙ ПЕРИОД

И.Я.Эшматов, Н.Э.Саттаров, М.И.Эшматова, Ш.И.Эшматова, А.Н. Боротов

Аннотация

В первые дни после рождение козлёнок обязательно должен получить молозиво, в котором содержится повышенное по сравнению с обычном молоком количество питательных веществ витаминов, ферментов гормонов иммунных тел, которые обеспечивают новорожденному козлёнку нормальный рост и развитие образования иммунитета против болезни твореных микробов. Кроме того в статье приводятся технологии выращивания, и кормлению новорожденных козлят в молочный период.

Ключевое слово: чисто породные, зааненская, рубец, книжка, сетка, сычуг, молозиво, микроорганизмы, витамины, гормоны, ферменты, иммунных тел.

BREEDING NEWBORN KIDS IN THE DAIRY PERIOD

I.YA. Eshmatov, N.E.Sattarov, M.I. Eshmatova, SH.I. Eshmatova, A.N. Borotov.

Abstract

In the first days after the birth of a kid, a goat must receive colostrum, which contains an increased amount of vitamin nutrients, hormone enzymes of the immune bodies, which provide the newborn kid with normal growth and development of immunity against the disease of creative microbes compared to ordinary milk. In addition, the article provides technologies for growing and feeding newborn kids in the dairy period.

Keyword: purely pedigree, saanen, scar, book, net, abomasum, colostrum, microorganisms, vitamins, hormones, enzymes, immune bodies.

Мавзунинг долзарблиги. Сутдор эчкичиликда янги тугилган улоқни парваришлаш усулларида тўғри фойдаланиш подани қайта тўлдиришда ўта муҳим вазифалардан ҳамда сутдор эчкичиликда янги тугилган улоқларни соғлом сақлаб қолиш ва уларни парваришлаш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси. Сутдор эчкичиликда янги тугилган улоқларни соғлом сақлаб қолиш ва уларни парваришлаш усулларида фойдаланиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Соф заанен зотли янги тугилган улоқлар ва соғин эчкилар.

Сутдор эчкичиликда янги тугилган улоқни тезда шилимшиқ моддалардан артиб тозалаш муҳим талаблардан ҳисобланади. Бордию, янги тугилган улоқни киндиги узилмаган

бўлса, 10-12 см узунликда кесиш керак бўлади. Нимжон тугилган улоқларга ўрндан туришига ёрдам кўрсатилади, зарурат тугилганда огзи очилиб оз-оздан 5-10 г-дан сут берилади. Шундан сўнг улоқ онасини эма бошлайди, бундай пайтда улоқ қорнидан суяб турилади, улоқ учун оёгида туриб эмиш қийин кечади.

Янги тугилган улоқни озиклантиришдан аввал онасининг елини илиқ сув билан ювилади ва куруқ сочик билан артилади. Елин сўргичидан ажралган биринчи огиз сути бошқа идишга соғиб олинади.

Ёш улоқларни парваришланиши бир нечта усуллар мавжуд бўлиб, хўжалик учун қулай бўлган усуллардан фойдаланилади.

Улоқни онаси билан бирга асраб эмдириб ўстириш усули энг кўп қўлланиладиган ананавий усул ҳисобланади. Бу усул билан улоқларни парваришлашда бир қатор қулайликларга эга. Улоқ онасининг ёнида улгаяди, улоқ жуда яхши жадал ўсади ва кўриниши ҳам тетик -дуркун кўринади, улоқ серҳаракат ва чакқон кўринишда улгайиб боради, улоқ бир сутка давомида оз-оздан 30-40 мартагача онасини эмади. Бу усулда улоқ парваришланганда ҳеч қандай касалликка чалинмайди, айниқса ошқозонида бузилиш кузатилмайди.

Янги тугилган улоқда овқат ҳазм қилиш тизимида ошқозон олди, тўр қорин ва кат қорин ишламайди. Қабул қилинган огиз сути тўғридан-тўғри ширдонга бориб тушади ва тезда ачий бошлайди. Натижада казеин парчалари пайдо бўла бошлайди, унинг ўлчами улоқни ичган сути миқдорига қараб оз ёки кўп бўлиши мумкин. Онасини эмган улоқ ошқозонида суюқликни ажралиш жараёни ҳаракатга тушади, ичилган сут суюқлик ёрдамида парчаланаяди ва ошқозонда жадал сўрилади. Антитела, огиз сутида кўп миқдорда бўлиши ҳисобига, ширдон суюқлиги орқали антитела қонга сўрилади ва турли инфекциялардан ҳимоя қилади.

Янги тугилган улоқларда ширдондаги шиллик қават 2 - 3 кун сақланиб туради, улоқни эмдириш биринчи 24 соат давомида амалга оширилади. Бу ҳолатда янги тугилган улоқни ташқи инфекциялардан сақлаш билан бирга, организмга тушган инфекцияларни йўқотади.

Огиз сутини қабул қилган улоқда, сут таркибидаги тўйимли моддалар ва витаминлар кўп бўлади. Эчки елинида қолган сутда ҳам тўйимли моддалар ва витаминлар юқори бўлади. Елинда қолган сут бошқа идишга соғиб олинади. Огиз сути бирмунча ташқи микроорганизмлар ва замбруглардан холи бўлади.

Улоқни онаси билан бирга асраб парваришлашда, она эчкининг елини доимо кузатиб борилади. Эчки кун давомида камида 2 - 3 марта соғилади, айниқса тукқан кунининг биринчи кунлари жуда ҳам эътиборли бўлиш муҳим. Улоқ биринчи кунлари онасининг елинидаги сутидаги огиз сутини тўлик ича олмайди. Эчки елинида ҳосил бўлган огиз сути миқдори ортиб боради, тўлик ичилмаган сут елин касаллигини чақиради.

Улоқни она-бола усулида асраш муддати 14-30 кун давом этади. Бу даврда эчкининг эгасига сут қолмайди, бироқ улоқ жуда яхши ўсади. Бу усулни қўллашда айрим улоқ онаси елинидаги ортиқча сўргични сўриб қўяди ва баъзи огриқли касалликни келтириб чиқаради ҳамда эчки азобланади. Бундай пайтда бошқа парваришлаш усулини қўллаш керак бўлади.

Эчки баҳор ҳамда ёзги мавсумда тукқанда яйловда шароитида боқилади. Бу даврда улоқ онасини яйлов шароитида эмиши зарур бўлади. Бунда улоқни онасидан ажратиш қийин кечади. Улоқ ёлғиз қолиши ҳисобига унда ташқи таъсир холати кузатилади. Шунингдек улоқ онасидан эрта ажратилса, у онасини жуда тез унитади ва онасини эммай қўяди. Агарда улоқ онаси билан бирга улгайиб борса, бу даврда улоқ онасини бир ёш ва ундан катта ёшгача эмдириб юраверади. Бундай пайтда улоқни онасидан ажратишда огиз бурун қисмига махсус бошвоқ тикиб боғланади.

Улоқни онасидан ажратишда эчки елинига махсус халта тикиб боғлаб қўйиш усули ҳам мавжуд. Бунда улоқ онасини сўргичларини топаолмай қийналади ва мақсадига етишаолмайди.

Онасидан ажратиб асралган улоқ тезда бошқа ўтларни, хашакларни ва концентрат озуқаларни ейишга ўргана бошлайди. Улоқ 4 - 5 кундан бошлаб аста-секинлик билан майин хашак таъмини сеза бошлайди. 10 кунлигида озуқани чайнай бошлайди. 15 –кун концентар

озуқаларга қизиқиши орта боради. Бу усулда парваришланганда, улоқда ҳеч қандай ич бузилиш ва ички касалликлар келиб чиқмайди.

Улоқ онасини эмиш усулидан сунъий сут ичириш усулига ўтказилганда, айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу услда улоқча бироз қийналади, безовталанади, биринчи куни қўлда берилган сутни ичмайди, кейинчалик ўрганиб қолади. Улоқ қанчалик онасидан тез ажратилса, улар шунчалик сунъий сут ичишга тез кўникади.

Улоқ 14 кунлигида онасидан ажратилганда, муаммолар кам бўлади, 60 кунлигида ажратилганда, уларда кўникаш ҳолати бироз қийин кечади. Кўп маъраб безовталанади, узок давргача янги ҳолатга кўникаолмайди. Улоқ онасидан ажратилгандан сўнг тезда бошқа озуқа едиришга ўтказилмайди. Сут ўрнига 7 кун давомида қоришмали суёқ озуқалар билан ҳамда бўтқалар билан озиқлантирилади. Бордию, улоқда ошқозон бузилиш ҳолати кузатилса, ич кетиш юзага чиқса, уни яна олдинги сут ичириш ҳолатига танадаги ўзгариш меъёр ҳолатига тушгунча қайтарилди.

Улоқ онасидан ажратилгандан сўнг безовталаниш ҳолати 1 - 2 кунда босилиб тинчланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам она эчкига ва унинг боласига зиён-заҳмат етказмаслик ҳамда иложи борича улоқни онасида ажратиш муддатини чўзиб юбормаслик зарур.

Сут йўналишидаги эчкичиликда кўпинча улоқлар сунъий сут билан парваришланади. Тугилган улоқни биринчи марта эмдириш даврида онаси билан катакда бирга асралади. Агарда улоқни асраш жойи совуқ бўладиган бўлса, у ҳолда улоқ 2 - 3 кун иссиқроқ хонага олиб кириб турилади, чунки бу даврда улоқ шамоллаб қолмаслиги керак.

Янги тугилган улоқ биринчи кунлари кун давомида 5 - 6 мартагача сут билан озиқлантирилади. Кейинги кунлари 4 мартага, 10 кундан бошлаб 3 мартадан сунъий сут берилади. Улоқлар 15 - 20 кунлари 2 маҳал сунъий сут билан озиқлантиришга ўтказилади.

Биринчи кунлари улоқ соф огиз сути билан ёки сут билан ҳеч қандай қўшимча қўшмасдан озиқлантирилади. Агар бошқа қўшимчалар қўшиб озиқлантирилса, улоқларда ич кетиш пайдо бўлади ва ўлим билан тугаши ҳам мумкин. Улоқларга 11 кундан бошлаб 20 г миқдорда сули қайнатмаси, сўнгра схема бўйича 200 г –гача сули қайнатмаси берилади.

Улоқларни сунъий сут ичириш схемасининг намунаси

Ёши кун ҳисобида	Сутда сут ичириш сони, марта	Суткада сут ичириш меъёри, г		Суёқ сули, г	Концентрат, г	Иддиз-мевалилар, г
1-2	4	200	800	0	0	0
3	4	225	900	0	0	0
4-5	4	250	1000	0	0	0
6-10	4	300	1200	0	0	0
11-20	4	300	1200	200	0	0
21-30	4	300	1200	300	30	0
31-40	3	350	1050	500	50	40
41-50	3	250	750	700	100	60
51-60	3	150	450	800	150	100
61-70	3	150	450	800	200	200
71-80	3	150	450	0	200	250
81-90	3	150	450	0	300	250
Жами:			9900	3300	1030	900

Улоқни сут ичириш идиши ҳар доим тоза бўлиши, иложи борича сирли идиш бўлгани маъқул. Цинкли идишдан сут ичиришда фойдаланмаслик зарур, цинкли идиш ўзидан заҳарли моддалар чиқариши мумкин.

Улоқни биринчи марта сут идишидан озиқлантиришга ўргатишда, улоқнинг тумшугидан ушлаб огизга оз-оздан огиз сути ёки сут берилади. Улоқ идишдан берилган сутни ютганидан сўнг ўзи эмишни бошлайди. Улоққа сутни катта ютумда бермаслик керак. Катта ютум билан берилган сут тўғридан-тўғри ширдонга бориб тушади ва у ерда казеинли парча бўлакчалари пайдо бўлади ҳамда уларни организмда ҳазм бўлиши қийинлашади, шунингдек ошқозонда чириш токсинларини келтириб чиқаради.

Улоқни биринчи кунлари иложи борича кичик тешикли сўргич ўрнатилган шишали идишда озиқлантирилади.

Улоқларни асраш ва парваришlashда энг яхши усули 3 - 4 кун онасини эмдириш усули хисобланади. Кейин улоқ алоҳида эмдиришга ўтказилади. Агарда, янги тугилган улоқни онасини сути билан озиклантириш имкони бўлмаса, сунъий сути билан озиклантирилади. Бунинг учун 1 л сутга, 15 г балиқ мойи, 10 г ош тузи ва 2 - 3 дона товук тухуми кўшилиб, аралашма яхшилаб аралаштирилади. Тайёр аралашма 37°C ҳолатга келтирилиб улоққа ичирилади. Янги тугилган улоққа совуқ ҳолда огиз сутини ва сутни бериб бўлмайди, акс ҳолда шамоллаш касаллигини келтириб чақиради.

Демак, сути йўналишидаги эчкиларда янги тугилган улоқларни соғлом сақлаб қолиш ва уларни парваришlashда биринчи кунлари огиз сути билан озиклантирилади, кун давомида 5 - 6 мартагача, кейинги кунлари 4 мартага, 10 кундан бошлаб 3 мартадан сунъий сути берилди. Улоқларга 15 - 20 кундан бошлаб кунига 2 маҳал сунъий сути билан озиклантиришга ўтказиш усули қўлланилганда, улоқни соғлом ва бақувват ўсиши таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эшматов И.Я. Сутдор эчкичиликни ривожлантириш омиллари. Тошкент Зооветеринария журнали №12, 2016 й.
2. Эшматов И.Я. Эчкиларнинг сермахсул гуруҳларини яратиш. Тошкент Зооветеринария журнали №3, 2017 й.
3. Қодырова Ч.Т. Генетические Факторы влияющие на биологические и хозяйственно полезные признаки коз молочного направления юга Кыргызстана Автореф. Дисс к.с.х.н Бишкек 2013

УДК 631.3

КОНУСНАЯ ВИБРАЦИОННАЯ ДРОБИЛКА ДЛЯ ИЗМЕЛЬЧЕНИЯ ЗЕРНОВЫХ МАТЕРИАЛОВ

Алижанов Д.А.- к.т.н., доцент, Едилбаев У.Д. - старший преподаватель, ТИИИМСХ
Жумамуратов Д.К.- ассистент, Нукусский филиал ТашГАУ,

Аннотация

В статье приведены анализ схем конусно-вибрационных дробилок используемых для измельчения горных и минеральных ископаемых материалов и предложена усовершенствованная конструктивно-технологическая схема, устройство и принцип работы конусной вибрационной дробилки для применения измельчения зерновых материалов на корм для животных и птиц.

Ключевые слова: конус, диск, вибрация, дробилка, анализ, схема, система охлаждения, подшипниковая опора, дебаланс, измельчения, зерно, корм, энерго затраты, эффективность, качество.

CONE VIBRATION CRUSHER FOR GRINDING GRAIN MATERIALS

Abstract

The article provides an analysis of the schemes of cone-vibration crushers used for grinding mountain mineral fossil materials and offers an improved structural technological scheme, device and principal of operation of the cone vibration crusher for application of grinding grain materials for animal and bizdfud.

Keywords: Cone, disk, vibration, crusher, analysis, circuit, cooling system, bearing support, lay on, grinding, grain, feed, energy consumption, efficiency, quality.

Введение. Одним из решающих условий ускорения роста темпов производства животноводческой продукции, повышения ее качества и снижения себестоимости является кормовая база – обеспечение животных и птицы полноценными кормами, сбалансированными по питательности в соответствии с запланированной продуктивностью.

МУНДАРИЖА

1-шўъба. ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ МУАММОЛАРИ		
1	Худаяров Б.М., Йигиталиева Р.Р. <i>Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қўлланиладиган кимёвий мелиорантларни ерга сепиш механизмлари</i>	5
2	Рахматов Ғ., Холдороров М., Омонов Б. <i>Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш самарадорлигини ошириш усуллари таҳлили</i>	8
3	Алимова З.Х., Халикова Н.А. <i>Улучшения смазывающих свойств консистентных смазок для сельскохозяйственных машин</i>	11
4	Жуманов А. <i>Сбор местного потока воды в орошение виноградников в передгорных районах</i>	14
5	Хажиев М.Х., Мирнигматов Б.Т. <i>Шўрланган ва шўрхок ерлар шўрини ювиш учун полдиглар тизимини яратиш тўғрисида</i>	18
6	М.Холдороров, Б.Омонов. <i>Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг физик асослари</i>	23
7	Матякубов Б.Ш., Атажанов А.У., Комилов У.Н. <i>Суцность технологий при обеспечении равномерного увлажнения корнеобитаемого слоя почвы</i>	25
8	Онаркулов К.Э., Рахматов Ғ.Р. <i>Инновационные технологии сушки в сельском хозяйстве</i>	32
9	Холова С.О. <i>Тупроққа чуқур ишлов берувчи иш жсиҳозининг параметрлари ва тупроқ қаттиқлигини бошқариш таҳлили</i>	35
10	Садыров А.Н., Тулаганов Б. К. <i>Машина для сбора семян настбищных растений</i>	39
11	Имамов Ш.Ж., Хажиев М.Х., Мирнигматов Б.Т. <i>Ички ёниш двигателларида водород ёқилгисини қўллаш муоммолари</i>	44
12	Абдурахмонов Ш.Х., Бозорбоев А.А. <i>Дон майдалагич машиналари конструкцияларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари</i>	49
13	Қорахонов А. ҚХМТИ, Толибаев А.Е. <i>Пневматик аппаратнинг экиш дискидаги тешиклар гуруҳи сонини аниқлаш</i>	52
14	Саттаров Н.Э., Боротов А.Н. <i>Сутнинг инсон фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти</i>	56
15	Эшматов И.Я., Норинов У.А. Саттаров Н.Э., Боротов А.Н., Эшматова М.И., Эшматова Ш.И. <i>Чорвачиликда селекция-наслчилик ишлари</i>	59
16	Эшматов И.Я., ЧПИТИ, Саттаров Н.Э. Эшматова М.И., Эшматова Ш.И., Боротов А.Н. <i>Ёш улоқларни сут ичириш даврида парваришлаш</i>	63
17	Алижанов Д.А., Едилбаев У.Д. Жумамуратов Д.К. <i>Конусная вибрационная дробилка для измельчения зерновых материалов</i>	67
18	Алижанов Д.А., Жуматов Я.К. <i>Винтсимон қирқиш аппаратини тадқиқ қилиш стенди</i>	70
19	Аширбеков И.А., Шарипов З.Ш., Хақимов Б.Б. <i>Двигател ёниш камераларида сиқилган газлар герметиклигини барқарорлаштириш омиллари</i>	73
20	Худойбердиев Т.С., Худоёров А.Н., Болтабоев Б.Р., Раззақов Б.А. <i>Пуштага ўғит солишни такомиллашган технологияси ва уни амалга оширувчи қурилма конструкцияси</i>	77
21	Худойбердиев Т.С., Худоёров А.Н., Болтабоев Б.Р. <i>Пушта олгич-ўғитлагич қурилмасининг тузилиши ва ишлаши</i>	81
22	Худоёров А.Н., Абдуллаев Д.А., Юлдашева М.А. <i>Комбинациялашган агрегат тупроқ майдалагичининг кинематикаси</i>	83
23	Худоёров А.Н., Абдуллаев Д.А., Юлдашева М.А., Назиржонов И.А. <i>Комбинациялашган агрегат юмшатгич иш сирти узунлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар</i>	87